

## Чет тилини ўрганишга юксак эътибор

Президентимизнинг 2012 йил 10 декабрдаги “Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори иқтидорли йигит-қизлар сафини янада кенгайтириш, уларнинг халқаро кўламда илм олишга бўлган қизиқишини кучайтириш, хорижий тилларни билиш даражасини юксалтиришда муҳим дастуриламал бўлмоқда. Ушбу ҳужжат замонавий педагогик ва ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда ўқитишнинг илғор услубларини жорий этиш йўли билан ўсиб келаётган ёш авлодни чет тилларга ўқитиш, хорижий тилларни пухта биладиган мутахассисларни тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш, соҳада халқаро ҳамкорлик ва мулоқотни ривожлантириш учун қулай шарт-шароит ва имкониятлар яратмоқда.

Мазкур Қарорга асосан, 2013-2014 ўқув йилидан бошлаб республиканинг барча ҳудудида чет тилларни, асосан, инглиз тилини ўрганиш умумтаълим мактабларининг биринчи синфларидан ўйин тарзидаги дарслар ва оғзаки нутқ дарслари шаклида, иккинчи синфдан бошлаб эса, алифбо, ўқиш ва грамматикани ўзлаштиришдан босқичма-босқич бошланди.

Чет тилларни билиш, у инглиз тили бўладими ёки немис, француз, испан тилими, аввало, шуниси билан ҳам муҳимки, ўқувчи ўша мамлакат ўтмиши ва бугуни, маданияти ҳамда адабий мероси билан яқиндан танишиш имконига эга бўлади. Демак, ўсиб келаётган ёш авлод тафаккурида улкан бурилишлар юзага келади. Илму маърифатни идрок эта бошлайди.

Замон шиддат билан тараққий этмоқда. Одамлар ҳам у билан ҳамнафас яшашлари шарт. Зеро, бу азалий ҳақиқат. Шу нуқтаи назардан биз замон талаби, дея таъриф берган чет тилларни ўрганиш ҳар биримиз учун муҳим жиҳатлардан биридир. Қарорда таъкидланганидек, ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда чет тилларни ўқитиш тизими тубдан қайта кўриб чиқиши ва кучайтирилиши зарур. Бу борада йўлга қўйилган ишлар ҳам ўз самараси билан муҳимдир.

Айтиш мумкинки, чет тилларни мустақил ўрганишни истовчилар [talim.uz](http://talim.uz) сайтида электрон дарсликлардан бепул фойдаланиш имконига эгадирлар, қолаверса, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети қошидаги Республика тил ўқитиш маркази фаолият олиб бормоқда. Ушбу марказда қизиқувчилар ўзлари учун қулай вақтда келиб хорижий тилларни ўрганишлари учун барча имкониятлар мавжуд.

Ёшларимизнинг манфаатлари ҳамда қизиқишларини инобатга олган ҳолда телевидение, шу жумладан, маҳаллий телеканаллар орқали уларни хорижий тилларга ўргатиш бўйича телекўрсатувлар тайёрлаб, трансляция қилиш, бошқа халқларнинг тарихи ва маданияти, жаҳон илми ҳамда техникасига бағишланган илмий-оммабоп бадий ҳамда мультипликациявий фильмларни

Ўзбек тилидаги субтитр ёрдамида мунтазам кўрсатиб боришни амалга ошириш муҳим аҳамият касб этмоқда.

Умуман олганда, юртимиз ёшларини ҳам жисмонан, ҳам ақлан камол топтириш, дунё тан оладиган мутахассислар этиб тайёрлаш таълим соҳасининг устувор йўналишидир. Шундай экан, юқорида таъкидланганидек, ёшларимизнинг бугунги ва эртанги кундаги илмий салоҳиятларининг халқаро таълим мезони ва талабларига мос бўлиши — уларнинг нафақат инглиз тили, балки бошқа жаҳон тилларида ҳам умумкиришув ва умумҳамкорлик қилишларидаги ўзаро илмий ва ижтимоий муносабатлари равнақ топишига имкон беради. Бу эса ўз замирида замонавий технология ва илмий қўлланмалардан унумли фойдаланишни талаб этади.

Дарҳақиқат, таълим соҳасида биз эришаётган муваффақиятлар “Ўзбек модели”нинг қисқа даврда бераётган муҳим самаралари сифатида намоён бўлмоқда. Энг холис баҳо — четдан берилган баҳодир. Ана шундай эътирофлардан бири, Ўзбекистон 141 мамлакат орасида инсон капиталини ривожлантириш даражаси бўйича 35-ўринни, таълим тизимини ривожлантириш даражаси бўйича эса дунёда иккинчи ўринни эгаллагани билан ҳам фахрлидир. Бу эса мамлакатимизда олиб борилаётган изчил ислохотларнинг, таълим-тарбияга қаратилаётган юксак эътиборнинг амалдаги ифодасидир.

Бежизга тил билган эл билади, дейилмаган. Бугун ёшларимизнинг хорижий тилларни, айниқса, инглиз тилини пухта ўрганиши уларнинг ўзлари учун жаҳон сари йўл очиши, демакдир. Шундай экан, ёш авлодни тил ўрганишга қизиқтириш, уларга тил ўргатиш энг муҳим вазифалардан бири ҳисобланади.

**Халилова Наргиза Олимовна**  
**Зарафшон саноат касб ҳунар коллежи**  
**инглиз тили ўқитувчиси**